

**ҒЎЗАДА ЭГАТЛАБ ВА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

Шодиёр БОБОҚАНДОВ

ПСУЕАИТИ

Мусулмон Зиятов

қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

ПСУЕАИТИ

Аннотация. Ушбу мақолада 2021-2023 йилларда Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида олиб борилган тадиқотлар натижаси келтирилган бўлиб, бунда эгатлаб суғоришда 70-70-60% тартиби ҳамда томчилатиб (ТС) суғоришда 70-70-60%, 65-70-65%, 70-75-65% тартибларида суғорилганда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. эгатлаб суғориш, томчилатиб суғориш, кўшимча харажатлар, соф ффойда, рентабеллик, иқтисодий самарадорлик.

Кириш. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини диверсификация қилиш йўналишидаги тадбирлар натижасида пахта яккаҳоқимлиги барҳам топди ва пахта экин майдонлари ҳажми оптималлаштирилди. Дастлаб ташкил топган аксарият фермер хўжаликларида ер майдонлари ҳажмининг кичиклиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига ва барқарор фойда олишга тўсқинлик қилди. Шу ва “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017 йил № 2, 2017 www.iqtisodiyot.uz ҳамда бир қатор бошқа омилларни инобатга олган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликларининг ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва улар фаолиятини танқидий баҳолаш асосида фермерларга бириктирилган ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.¹

Пахтачиликда иқтисодий самарадорликни ошириш, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш, уларга баҳо бериш асосида тегишли хулосалар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш борасидаги тадиқотлар умумиқтисодий муаммо сифатида мамлакатимизнинг қатор назарий ва амалиётчи олимлари томонидан тадиқ этилган. Жумладан, А.Абдуғаниев фикрича, «Иқтисод фанларида

¹ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017 йил

"самарадорлик" ва "иқтисодий самарадорлик" тушунчалари - мавжуд. Улар мамлакат, тармоқ, корхона, йўналишлар ҳамда айрим маҳсулотлар бўйича аниқланиши мумкин. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси самарадорлик тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар билан боғлиқ бўлган харажатлар, улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда суммаси қанча кўп бўлса иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорликни эса у ёки бу тадбирларни, ишларни, маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди» [1].

Р.Ҳусанов, Ю.Дадабоевлар эса “Самара – қишлоқ хўжалигида ўтказилган у ёки бу тадбирларнинг оқибати, натижасидир. Иқтисодий самарадорлик- ишлаб чиқариш воситаларининг ва жонли меҳнатнинг қўлланилишидан олинган якуний фойдали самарани, жами сармоялардан эришилган натижани кўрсатади” деб таъкидлашади[2].

Иқтисодчи олим И.Қ.Ражабов фикрича, “Самарадорлик тушунчаси бу ишлаб чиқариш жараёни пировард натижаларини ўзида акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткич сифатида тушунилиши лозим. Иқтисодий самарадорлик моҳияти нафақат ишлаб чиқариш натижалари ва харажатлар ўртасидаги арифметик рақамлар билан, балки фойдали натижаларга эришиш йўлида харажатлар миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш, тақсимот ва айирбошлаш муносабатлари орқали ифодаланади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги харажатлар ва натижалар ўртасидаги арифметик нисбатгина бўлмасдан, балки ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттирувчи иқтисодий атама...” ҳисобланади[3].

О.А.Шерматов самарадорлик ва иқтисодий самарадорлик тўғрисида билдирган мулоҳазасида, “Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларни такомиллаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш туфайли эришилган натижани шу мақсадлар учун сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат миқдорига нисбати ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодалайди. Кишилиқ жамиятида моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқариш ҳаётий зарурат бўлиб, бу жараёнда моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришни “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017 йил № 2, 2017 www.iqtisodiyot.uz 3 кўпайтириш билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат сарфини камайтириб бориш иқтисодий самарадорликка эришишнинг асосий омилидир. «Самара» - бу қандайдир бир фаолиятни натижавийлигини ўзида акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Самаранинг натижаси самарадорликда ўз аксини топади. Самарадорлик - бу сарфланган ресурслар

эвазига қанча самара кўрилганлигини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичдир. Ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги самарани (натижа) сарфланган ресурсларга нисбати билан аниқланади. Шу жиҳатдан, иқтисодий самарадорлик сарфланган ҳар бир сўмлик ресурс эвазига қанча самара олинганлигини акс эттиради” деган талқинни ифода этади[4].

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорлик кам меҳнат ва моддий ресурслар сарфлаб, атроф муҳит ва экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда ресурс сарфи миқдори ҳисобига олинмаган якуний соф фойда миқдорида ўз аксини топади.

Тадқиқот материаллари ва услуги. Мавзу бўйича дала тажрибалари 2021-2023 йилларда Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида, тупроқ механик таркиби оғир қумоқ, ерости сувлари 18-20 метрдан паст чуқурликда жойлашган, ғўзанинг С-6570, С-8298 ҳамда С-6524 навларини назорат вариант, яъни эгатлаб суғоришда ЧДНСга нисбатан тупроқ намлиги 70-70-60% тартибда ва томчилатиб суғоришда (ТС) ЧДНСга нисбатан тупроқ намликлари 70-70-60%, 65-70-65% ва 70- 75-65% тартибларда олиб борилган. Тадқиқотларда барча кузатув ўлчов ва таҳлиллар ПСУЕАИТИ (илгариги ЎзПИТИ) қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошение», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ, Т., 2007) услубий қўлланмалари асосида олиб борилган.

Таҳлил ва натижалар. Пахта хом-ашёсининг харид нархлари (O’z DSt 615:2008) давлат стандарти асосида ҳисоб-китоб қилинган. Пахта хом-ашёсининг қуйидаги селекцион навлари харид нархларига 1,01 тузатиш коэффициенти қўлланилган. Ушбу ғўза навлари қуйидагилар: С-6524, С-6570 ва С-8298.

Тадқиқотда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари 2023 йилги нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинган. Ўрта толали селекцион навларга пахта хом-а

ш
ё

2021-2023 йиллар давомида ўрганилган ғўза навларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда ғўза навлари толаси типи ва навлари инобатга олинган ҳолда алоҳида ҳисоб-китоб қилинган.

Бунда ЧДНСга нисбатан тупроқ намлиги 70-70-60% тартибда эгатлаб суғорилган назорат С-6524 ғўза навида ўртача ҳосилдорлик 37,4 ц/га ни ташкил этиб, шартли соф фойда 14229730 сўмни, рентабеллик 69,1 % ни, С-6570 ғўза навида ҳам рентабеллик 69,1 % ни, С-8298 ғўза навида эса рентабеллик 72,2 % ни ташкил этган.

ТС қўлланилган ЧДНСга нисбатан тупроқ намлиги 70-70-60% тартибда С-6524 ғўза навида ўртача ҳосилдорлик 43,6 ц/га ни ташкил этиб, шартли соф фойда 18237620 сўмни, рентабеллик 81,6 % ни, С-6570 ғўза навида рентабеллик 77,2 % ни, С-8298 ғўза навида эса рентабеллик 80,7 % ни ташкил этди. Навлар бўйича мос равишда назоратга нисбатан 12,5, 8,1, 11,6 % га юқори рентабелликка эришилган (1-жадвал).

ТС қўлланилган ЧДНСга нисбатан тупроқ намлиги 65-70-65% тартибда эса С-6524 ғўза навида ўртача ҳосилдорлик 41,1 ц/га ни ташкил этиб, шартли соф фойда 16857820 сўмни, рентабеллик 78,7 % ни, С-6570 ғўза навида рентабеллик 78,2 % ни, С-8298 ғўза навида рентабеллик 80,3 % ни, ЧДНСга нисбатан тупроқ намлиги 70-75-65% тартибда эса С-6524 ғўза навида ўртача ҳосилдорлик 41,4 ц/га ни, шартли соф фойда 16915880 сўмни, рентабеллик 78,2 % ни, С-6570 ғўза навида рентабеллик 79,9 % ни ташкил этди.

Хулоса. Тадқиқотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, томчилатиб суғорилган вариантларда иқтисодий самарадорлик назорат вариантыга қараганда юқори бўлди. Энг яхши натижалар томчилатиб суғорилган ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 70-70-60% да С-6524 ғўза навида назоратга нисбатан 12,5% юқори рентабелликка эришилган бўлса, ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 70-75-65% да С-6570 ғўза навида назоратга нисбатан 10,8%, С-8298 ғўза навида эса 16,2% юқори рентабелликка эришилганлиги аниқланди.

1-жадвал

Ғўза навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, (2021-2023 йй)

Вар. №	Суғориш усули	ЧДНС	Ғўза навлари	3 йилда ўртача пахта ҳосили, ц/га	Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га	Ҳосилни етиштириш харажатлари, сўм/га	Жумладан, қўшимча ҳосилни йиғиб-териб олингандан кейинги жами харажатлар, сўм	Пахта хом ашёсини сотишдан тушган маблағ, сўм	Шартли соф фойда, сўм. га	Рентабеллик, %
1	<u>Эгатлаб суғориш</u>	70-70-60%	С-6524	37,4		20597150		34826880	14229730	69,1
2			С-6570	37,4		20597150		34826880	14229730	69,1
3			С-8298	38,4		20762150		35758080	14995930	72,2
4	ТСТ	70-70-60%	С-6524	43,6	6,2	21339700	22362700	40600320	18237620	81,6
5			С-6570	41,3	3,9	21059200	21702700	38458560	16755860	77,2
6			С-8298	43	5,6	21240700	22164700	40041600	17876900	80,7
7		65-70-65%	С-6524	41,1	3,7	20804000	21414500	38272320	16857820	78,7
8			С-6570	40,8	3,4	20754500	21315500	37992960	16677460	78,2
9			С-8298	42,1	4,7	20969000	21744500	39203520	17459020	80,3
10		70-75-65%	С-6524	41,4	4	20975800	21635800	38551680	16915880	78,2
11			С-6570	42,5	5,1	21157300	21998800	39576000	17577200	79,9
12			С-8298	46,2	8,8	21767800	23219800	43021440	19801640	85,3

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004,26-бет
2. Хусанов Р.А., Дадабоев Т.Ю., Дадабоев Д.Ю. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. - Т.: Ўзбекистон. 2003. Бет 470.
3. Ражабов И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агроресурслар бозори мувозанати ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги. Дис. иқтисод фанлари доктори. Т.2006й 11бет
4. Шерматов О.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. Дис. иқт. фан. ном. – Т.: 2006. (10-11 б.)